“Бухоронефтгазпармалаш” АЖ акциядорларининг
2026 йил “21” январдаги 1–сонли умумий
йиғилиши баённомасига **8– илова**

«Бухоронефтгазпармалаш» акциядорлик жамиятининг оммавий танлов ўтказиш бўйича Низоми.

Мундарижа:

1.Умумий қоидалар.
2. Танлов ўтказишнинг тартиби ва шартлари.
3. Танловга тайёргарлик.
4. Танловни ўтказиш.
5. Якуний қоидалар.

1.Умумий қоидалар.

1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси (976,977-моддалар), “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун, жамият Устави, корпоратив бошқарув кодекси ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган ва «Бухоронефтгазпармалаш» акциядорлик жамиятида (келгусида – Жамият) танлов йўли билан юқори малакали кадрларни танлаш, танловда иштирок этишда очиқ имкониятлар яратиш ва ғолибларни аниқлаш қоидаларини белгилайди.

1.2. Танлов ўтказишнинг асосий тамойиллари:

• ошкоралик – танлов бошланиши, ўтказиш тартиби, танлов шарт, мезон ва талаблари, танланланган номзодлар тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор этилиши орқали таъминланади;

• рақобатбардошлиги – мазкур регламентда белгиланган мезонлар асосида номзодларнинг касбий фазилатлари, малакасини баҳолаш орқали таъминланади;

• эркин имконият – Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг танловда иштирок этиш ҳуқуқидан тенг фойдаланиши орқали таъминланади;

• бир хил ёндашув – номзодларни саралаш жараёнидаги имкониятлар баҳоланишининг асосий талаблари бир хиллиги;

• муомала меъёрлари ва профессионал этика қоидаларига риоя этиш;

1.3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва мехнат қонунчилигига мувофиқ вакант лавозимларга танлов ўтказилишида номзодларга тенг ҳуқуқ кафолатланади.

1.4.Оммавий танлов танловни уюштирувчининг танловда иштирок этишга таклифи матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш йўли билан барча хоҳловчиларга қаратилганда очиқ ёки танловда иштирок этишга таклиф танловни уюштирувчининг хоҳиши бўйича муайян доирадаги шахсларга юборилганда ёпиқ бўлиши мумкин.

1.5. Танловда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан бир қаторда хорижий давлатлар фуқаролари ҳам иштирок этишлари мумкин.

1.6.Номзодлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

• Тегишли мутахасислик бўйича олий маълумоти;

• Тегишли иш соҳасида ва тегишли лавозимда камида 3 йиллик иш тажрибаси;

• малака, асосий фалият бўйича минимал талаб қилинадиган тажриба ва билим.

• Корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш қобилияти;

• Давлат ва рус тилларини юқорири малакада билиш ва равон фойдаланиш, инглиз тили ва бошқа хорижий тилларни билиши мамнуният билан қабул қилинади;

• Компьютер дастурларидан малакали фойдаланиш, IT хизматларининг янги турларини билиш ва улардан самарали фойдаланиш.

Шахсий фазилатлар:

• Масъулият, интизом, ташаббус, ижодкорлик;

• Стратегик ва оператив қарорлар қабул қилиш қобилияти;

• Жамоаларни уюштириш ва уларнинг самарали ишини ташкил этиш қобилияти;

• Аниқлик, мулоқот қобилияти, коммуникабеллик, аналитик фикрлаш;

• Музокаралар олиб бориш тажрибаси;

• Юқори иш ҳажмлари ва талаб остида ишлаб билиш қобилияти.

1.7. Қуйидаги шахслар номзод бўла олмайди:

• тегишли касбий соҳалар бўйича олий маълумотга эга бўлмаганлар;

• тегишли фаолият бўйича лицензия талаблари ва шартлари, ушбу шахслар айби билан бузилганлиги учун лицензияси бекор қилинган юридик шахснинг яккабошчиликдаги ижроия органи вазифасини бажарганлар, коллегиал ижроия органи таркибида бўлганлар ёки юридик шахснинг таъсисчиси бўлганлар, агар бу ҳолат содир бўлганидан кейин 3 йил ўтмаган бўлса;

• белгиланган малака талабларига мос келмаганлар:

а) малака билими даражаси бўйича;

б) мутахассислик бўйича иш стажи бўйича;

в) тегишли тармоқ учун белгиланган касб малака йўриқномалари ва акциядорлик жамиятининг ҳуқуқий – меъёрий ҳужжатлари билан белгиланган лавозим бурч ва мажбуриятларини бажариш учун етарли касбий билим ва кўникмалар даражаси бўйича.

• иқтисодий соҳада ёки бошқарув тизимига қарши жиноятлари бўйича муддати ўталмаган судланганлиги бўлган шахслар;

• банкрот деб эълон қилинган юридик шахснинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи вазифасини бажарганлар ёки коллегиал ижроия органи таркибига кирган шахслар, агар бу ҳолат содир бўлганидан кейин орадан икки йил ўтмаган бўлса;

• мансабдор лавозимларда ишламаслик борасида чеклов тарзида жазога тортилганлар, ёки қонуний кучга кирган суд қарори асосида жазога тортилганлар;

• медицина ташкилотлари томонидан тасдиқланган хулосага асосан ёки суд қарори билан муомалага лаёқатсиз деб топилган ёки муомала лаёқати чекланганлар;

• кузатув кенгашининг бошқа аъзоси, жамият бошқаруви аъзолари ёки юқори ташкилот раҳбарияти билан қариндошлик алоқалари бўлган шахслар (ота–она,турмуш ўртоқ, бола, ака–ука, опа–сингил, турмуш ўртоғининг ота–онаси, болаларнинг турмуш ўртоғи);

• 25 ёшга тўлмаганлар

2. Танлов ўтказишнинг тартиби ва шартлари.

2.1. Танлов ўтказилиши акциядорлар умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши ташаббуси асосида амалга оширилиши мумкин. Танлов жараёнини ўтказиш акциядорлик жамияти бошқаруви томонидан амалга оширилади.

2.2. Танлов номзодлар бўйичи тушган таклифлар асосида амалга оширилади.

2.3. Номзодлар бўйича танлов жараёнида тавсиялар, қонунчиликка мувофиқ равишда, иш қидирувчилар, вазирликлар, идоралар ва бошқа шахслар томонидан киритилиши мумкин (келгусида –ташаббусчилар).

2.4. Танлов муддатлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, жамиятга таклиф юбориш учун белгиланган вақт давомийлигини назарда тутиши керак.

2.5. Кузатув кенгаши танловни ўтказиш бўйича ишчи органи вазифасини бажарадиган жамият маъсул таркибий бўлимини (ёки ходимини) белгилайди. Ушбу маъсул таркибий бўлим(ёки ходим)га танлов бўйича ОАВларида эълонлар берилиши, номзодларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги маълумотлар, ҳужжатлар таркиби тўлиқлиги, танлов талаби билан белгиланган ҳужжатларнинг тўлдирилиш тартиби, матни текширилиб олиниши бўйича ҳамда уларнинг танлов бўйича берилган эълон ва ушбу Низом талабларига жавоб бериши таъминланиши бўйича жавобгарлик юкланади.

2.6. Танлов учун масъул бўлим(ёки ходим) танлов бўйича эълонда:

– номзодларга қўйиладиган талаблар,

– номзодлар томонидан тақдим этилиши керак бўлган ҳужжатлар,

– тақдим этиладиган ҳужжатлар матни ва тўлдирилишига талаблар,

– берилган ҳужжатларнинг белгиланган вақти давомийлигига талаблар,

– танлов шартларининг тўлиқ акс эттирилишини назорат қилади.

3. Танловга тайёргарлик.

3.1. Танлов ҳақида эълон қилингандан кейин 20 кун (агар эълонда бошқа муддат кўрсатилмаган бўлса) ичида ташаббускорлар номзодлар ҳақида мазкур Низом иловасига асосан ва танлов ҳақида берилган эълон шартларида кўрсатилган маълумотларни тақдим этадилар.

3.2. Ташаббусчилар номзодлар ҳақида акциядорлик жамиятига тақдим этган маълумотларнинг ишончлилиги, ҳаққонийлиги ва актуаллигини таъминлайдилар.

3.3. Ушбу Низомда кўрсатиб ўтилган талаблар бўйича атайин нотўғри, ёлғон, тўлиқ эмас маълумотлар тақдим этгани учун жавобгарлик ташаббусчилар зиммасига юкланади. Ушбу ҳолат аниқланган тақдирда кузатув кенгаши ушбу номзодга нисбатан танлов натижларини бекор қилиш ваколатига эга.

4.Танловни ўтказиш.

4.1. Танлов учун масъул бўлим(ёки ходим) танлов ўтказилиши тўғрисида ОАВларида берилган эълон муддати якунлангач, ушбу муддат давомида тақдим этилган таклифлар бўйича номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, танлов шартларининг бажарилиши, танлов талаби билан белгиланган ҳужжатлар таркиби тўлиқлигини кўриб чиқади.

4.2. Номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, тақдим этилган ҳужжатларнинг кўриб чиқилиши, хохишига асосан номзод иштирокида ёки унинг вакили иштирокида амалга оширилиши мумкин.

4.3. Номзодлар томонидан танловга тақдим этилган ҳужжатларда танлов шартларининг бузилиши ҳолати аниқланса, ҳужжатлар таркиби эълон қилинмаган ҳолда номзодга қайтарилади.

4.4. Агар тақдим этилган ҳужжатлардаги ноаниқликлар ёки танлов шартларига тўлиқ жавоб бермаслик ҳолати, бошқа номзодларнинг рейтингига таъсир ўтказмаса ёки шу ҳужжатлар эгасининг бошқа номзодларга нисбатан устунлигини таъминламаса, танлов ҳуқуқи берилган жамият бошқарув органи ушбу камчиликга эътибор бермаслиги мумкин.

4.5. Оммавий танлов эълон қилган шахс ишларни тақдим этиш учун белгиланган муддатнинг фақат биринчи ярими мобайнида унинг шартларини ўзгартиришга ёки танловни бекор қилишга ҳақли.

4.6. Танлов шартларини ўзгартириш ёки уни бекор қилиш тўғрисида танлов қандай усулда эълон қилинган бўлса, шундай усулда хабар берилиши лозим.

4.7. Номзод тўғрисидаги танлов шартларига жавоб берадиган маълумотлар асосида номзоднинг номи, малака даражаси ва номзод томонидан тақдим этилган бошқа ҳужжатлар матни ҳисобга олинади.

4.8. Танлов ҳуқуқи берилган жамият бошқарув органининг йиғилиши давомида номзод томонидан тақдим этилган ҳужжатлар бўйича тушунтиришлар беришига йўл қўйилади.

4.9. Танлов ҳуқуқи берилган жамият бошқарув органининг қарорлари, 2-иловага мувофиқ, баённомалар билан тасдиқланиб, улар мажлисда иштирок этган аъзолар ва котиби томонидан имзоланади. Баённомалар тузилишида овоз бериш якунлари акс эттирилишига алоҳида эътибор берилиши зарур. Йиғилиш баённомасида танлов ҳуқуқи берилган жамият бошқарув органи аъзоларининг овоз бериш якунлари ҳар бир номзод бўйича “тарафдор” ва “қарши” бўлган овозлар акс эттирилган ҳолда расмийлаштирилади. Бундан ташқари, йиғилиш баённомасида йиғилишнинг бориш жараёни ва танлов ҳуқуқи берилган жамият бошқарув органи аъзоларининг фикр – мулохазалари қанчалик тўлиқ акс эттирилса, шунчалик овоз бериш якунлари объектив амалга оширилгани намоён бўлиб туради ва

судда даъво қўзғатиш жараёни содир бўлганида бу ҳолат тўғри ва объектив танлов ўтказганининг асосий исботи бўлиб хизмат қилади.

4.10. Танлов ғолибини эълон қилиш танлов натижасини ёзма равишда номзодларга етказиш йўли билан амалга оширилади.

4.11. Танлов натижалари борасидаги маълумот ошкор этилмайди, қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

4.12. Танлов натижалари танлов ҳуқуқи берилган жамият бошқарув органи аъзолари томонидан тасдиқлангач, танлов жараёни тугатилган деб ҳисобланади.

4.13. Танлов амалга ошмаган деб топилади, агар танлов ўтказиш жараёнида:

• икки донадан кам номзоддан таклиф тушганда;

• номзод тўғрисидаги маълумотлар танловнинг малакавий талабларига мос келмаса (ҳақиқатга мос бўлмаса ёки тақдим этилган мезон талабларига жавоб бермаса);

• номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, танлов шартларининг бажарилиши, танлов талаби билан белгиланган ҳужжатлар таркиби тўлиқлиги, ҳужжатларнинг тўлдирилиш тартиби, матни ушбу Низом талабларига жавоб бермаса.

4.14. Танлов амалга ошмаган деб топилса, танлов ҳуқуқи берилган жамият бошқарув органи қайта танлов эълон қилади.

4.15. Бордию, номзод борасида уни ўзгартириш бўйича вазият юзага келса, танлов ҳуқуқи берилган жамият бошқарув органи:

• танловда иштирок этган кейинги энг яхши балл тўплаган номзодни, ёки шундай номзод деб, мазкур Низомда кўзда тутилган тартибда тан олинган номзодни белгилайди.

5. Якуний қоидалар.

5.1. Мазкур Низом талабларининг бажарилишини назорат қилишни акциядорлик жамияти кузатув кенгаши амалга оширади.

5.2. Мазкур Низом жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан тасдиқлангач кучга киради. Ушбу Низомга қўшимча ва ўзгартиришлар кузатув кенгаши томонидан киритилади ва акциядорлар умумий йиғилиш қарори билан тасдиқланади.

5.3. Ушбу Низомнинг алохида бандлари амалдаги қонунчилик ва/ёки жамият Уставига зид келган тақдирда, ушбу бандлар ўз кучини йўқотган деб топилади ва мазкур Низомнинг ушбу бандларига ўзгартириш киритилгунга қадар, бу бандлар томонидан тартибга солинадиган масалалар борасида амалдаги қонунчилик меъёрлари ва/ёки жамият Устави нормаларига риоя қилиш керак.

5.4. Устав моддалари билан АЖ ички ҳужжатлари ўртасида зиддият юзага келса устав моддалари устун келади

5.5.Мазкур Низом муайян бандларининг яроқсизлиги ушбу Низомнинг тўлиғинча ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди.

«Бухоронефтгазпармалаш» АЖнинг
танлов ўтказиш бўйича Низомига 1–илова

Танлов комиссиясига ташаббусчи
_____ томонидан мурожаат.

Номзод сифатида тавсия этилаётган шахс бўйича қўйидаги ҳужжатларни тақдим этаман ва ундаги маълумотларни тасдиқлайман:

• тегишли соҳа бўйича олий маълумотга эга;
• ўтган уч йил мобайнида тегишли фаолият бўйича лицензия талаблари ва шартлари, ушбу шахслар айби билан бузилганлиги учун лицензияси бекор қилинган юридик шахснинг яккабошчиликдаги ижроия органи вазифасини бажармаган, коллегиал ижроия органи таркибида бўлмаган, юридик шахснинг таъсисчиси бўлмаган;
• иқтисодий соҳада муддати ўталмаган судланиши йўқ, бошқарув тизимига қарши жиноят содир этмаган;
• ўтган икки йил мобайнида банкрот деб эълон қилинган юридик шахснинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи вазифасини бажармаган, коллегиал ижроия органи таркибига кирмаган;
• кузатув кенгашининг бошқа аъзоси ёки хўжалик жамият раҳбари билан қариндошлик алоқалари йўқ
• аризада кўрсатилган барча маълумотларнинг, шунингдек мазкур аризага илова қилинадиган ҳужжат ва материаллардаги маълумотларнинг тўғри ва ҳақиқий эканлигини тасдиқлайман.

Юқорида кўрсатилган маълумотлар тўғри ва ҳақиқатга мос келади.

Муҳр ва имзо ёки электрон рақамли имзо билан тасдиқланган юридик шахс раҳбари лавозими ёки ёзма ёки электрон имзоси билан тасдиқланган мазкур жисмоний шахснинг ФИШ, манзили ва паспорт маълумотлари кўрсатилади.

Эслатма:

[1] Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган номзодлар бўйича ташаббускор унга маълум бўлган ва номзодга унинг Ўзбекистон Республикасида фаолият юритиши учун раддия берилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар ҳақида хабар бериши керак.

«Бухоронефтгазпармалаш» АЖнинг
танлов ўтказиш бўйича Низомига 2–илова

«Бухоронефтгазпармалаш»
акциядорлик жамиятининг танлов комиссияси йиғилиши
баённомаси

«___»_____20__г. №_____

Қатнашганлар:

Танлов комиссияси раиси - ФИО
Танлов комиссияси раиси ўринбосари - ФИО
Танлов комиссияси котиби - ФИО
Танлов комиссияси аъзолари - ФИО

Йиғилишга қатнашмаганлар: йиғилишда иштирок этмаганларнинг Ф.И.О.
Йиғилиш ўтказиш учун кворум мавжуд.

Кун тартиби:

1. Танловда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган иштирокчилар ҳужжатларининг кўриб чиқилиши.
2. Танлов жараёнлари якунининг таҳлили, индивидуал суҳбат ўтказилиши.
3. Номзодлар томонидан тақдим этиладиган техник–иқтисодий дастурлар муҳокамаси.
4. Номзодларнинг белгиланган малака талабларига мувофиқлигини баҳолаш ва танлов натижаларини якунлаш.

1.Эшитилди:

танлов жараёни бўйича асосий маълумотлар (танлов ўтказилишига асос бўлган меъёрий-ҳуқуқий акт, иштирокчилар сони, улар томонидан ўтилган танлов жараёнлари) ўқиб эшиттирилади.

2.Сўзга чиқдилар:

танлов комиссияси томонидан берилган саволлар ва иштирокчиларнинг жавоблари кўрсатиб ўтилади.

3.Қарор қилинди:

ҳар бир номзод бўйича танлов комиссиясининг қарори келтирилади.

Овоз бериш якуни: “тарафдор” ___ киши , “қарши” ___ киши.

Танлов комиссияси раиси _____ _____
(имзо) (изох)
Танлов комиссияси раиси ўринбосари _____ _____
(имзо) (изох)
Танлов комиссияси аъзолари _____ _____
(имзо) (изох)
Танлов комиссияси котиби _____ _____
(имзо) (изох)